

# YANGIOBOD OVOZI

YANGIOBOD TUMANI HOKIMLIGINING IJTIMOIIY-SIYOSIIY, MA'RIFIY GAZETASI

№5 (42) 18-may, 2022 yil, chorshanba

Ijtimoiy-siyosiy, ma'rifiy gazeta

Bahosi erkin narxda

Gazeta 2019 yil yanvardan chiqqa boshladi

## “ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ” КЕНГ НИШОНЛАНДИ



Мамлакатимизда инсон хотираси ва қадри улуғланадиган муҳим тарихий санага айланган 9-май - "Хотира ва қадрлаш куни" юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Халқимизнинг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши курашларда сўнмас жасорат ва матонат тимсолини намоён этиб, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун ўз жонларини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиш, уларнинг олийжаноб ва эзгу ишларини давом эттириш ҳар биримиз учун азалий қадрият саналади.

Янгиобод туманидаги Хотира хиёбонида ушбу сана муносабати билан "Инсон

қадри улуғ - хотира муқаддас" шиори остида тадбир ташкил этилди.

Маросим аввалида туман ҳокими Иброҳим Қаршибоев барчани қутлуғ сана билан табриклаб, "Хотира ва қадрлаш куни" - ўтган аждодларимизни ёдга олиш, юрт мустақиллиги ва озодлиги йўлида жон берган қаҳрамонларни хотирлаш, иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашган ота-боболаримизни эслаш, ҳозирги доруломон кунларга етмоқ учун тинмай меҳнат қилган, қўллари доим дуода бўлган, набиралари даврасида кексалик гаштини сураётган отахону онахонларни эъзозлаш куни эканини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоатчилик вакиллари томонидан "Мотамсаро она" монументи пойига гулчамбарлар қўйилиб, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирланди, ўтганлар руҳи ёдга олинди, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ўғлонлар хотираси олдида ҳурмат бажо келтирилади.

Фахрийларимиз дуога қўл очар экан, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун такрор-такрор шукрона айтдилар.

Дарҳақиқат, бугунги тинч ва фаровон ҳаёт ўз-ўзидан бунёд этилмаган. Буни дилдан ҳис этишимиз, "Мана шу муқаддас тупроқ меники, бу ерда ота-боболаримиз ҳокиётибди, агар мана шу муқаддас Ватанни мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади?" деган эътиқод билан яшамогимиз лозим.

Бўлиб ўтган тадбир йиғилганлар қалбида чексиз ғурурифтхор бағишлади, айниқса, ёшларимиз онгида тинчликнинг қадрига етиш, уларда Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини мустаҳкамлаш, кексаларга ҳурмат ва эҳтиромда бўлиш сингари фазилатларни сингдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди десак адашмаган бўламиз.

Янгиобод тумани  
ҳокимлиги  
Ахборот хизмати



## ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Янгиобод тумани ҳокимлиги, сектор раҳбарлари, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди Янгиобод туман бўлими томонидан Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш, миллий ва диний қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада мустаҳкамлаш, халқимиз орасида саҳоват, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатликни тарғиб этиш ҳамда эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тумандаги эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган, оиласида ногирони бўлган 50 дан ортиқ оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.



9-май "Хотира ва қадрлаш" куни бизнинг Совет қишлоғимизда катта тантана билан нишонланади. Шу куни ўтканларни хотирлаб, улар ҳақида дуо ўқилади ва II жаҳон уруши қаҳрамони Жўрахон Усмонов хотира майдонида нурунийлар, ёшлар ва келган меҳмонлар йиғилишиб, унинг бюсти пойига гуллар қўйилади. Шундан сўнг Совет сайилгоҳида катта байрам сайли ўтказилади.

Мана шу байрам сайлига Совет, Тўқбой, Соҳибкор қишлоқларида яшовчи аҳолининг ўзлари томонидан йиғилган маблағлар асосида ташкил қилинади.

2006 йилда мен Совет қишлоқ фуқаролар йиғинига раис бўлиб иш бошлаганимда кўпгина оқсоқоллар илгари Ховос тумани вақтида Жўрахон Усмонов хотирасига ўтказилиб келинган 9 май байрами тадбирлари тўхтаб қолганлигини, шу тадбирларни тиклаб ушбу кунда байрам

## ЖЎРАХОН УСМОНОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР



ўтказишни таклиф қилишди.

Масалани жуда кўпни кўрган оқсоқоллар билан маслаҳат қилдим, энг асосийси маблағ масаласи эди.

2007 йил 23 март куни маҳаллада "Наврўз" байрамини ўтказдик. Шу куни йиғилганларга "9-майга Жўрахон Усмонов хотирасига бағишлаб

тадбир ўтказишга рухсат олдим. Энди асосийси байрамни ўтказиш учун маблағ масаласи дедим. Илгари ота-боболаримиз ўғил туғилган хонадонда ҳарфана (йиғма) улоқ қилганлар, биз ҳам бундан кейин йил давомида кимнинг хонадонидида ўғил бола туғилса шулардан йиғилади-

ган маблағ ҳисобига улоқ тадбирлари қиламиз дедим ва оқсоқолларга дуо қилинлар келинларимиз ўғил туғишсин биз байрам қилайлик деб дуо қилдирдим.

Қаранг 2006 йилда учта қишлоқда 44 нафар чақалоқ туғилган, шундан 18 нафари ўғил бола экан.

2007 йил ва 2008 йил апрель ойига қадар 66 та чақалоқ туғилиб, 44 нафари ўғил бола туғилди, бу ҳам бўлса кўпнинг дуосининг кучи. Шундай қилиб 2008 йилдан буён Совет қишлоғида II Жаҳон уруши қаҳрамони Жўрахон Усмонов хотирасига катта байрам сайли ўтказилади.

Бунда республикаимизнинг таниқли санъаткорлари, ўзимизнинг бадий хаваскорлар томонидан концерт томошаси, улоқ-кўпқари, кураш му-

собақалари ўтказилиб келинмоқда. Бу ҳам бўлса Советликларнинг қаҳрамон фарзанди Жўрахон Усмоновга бўлган юксак ҳурмати ва эътиборидир.

Қаҳрамоннинг хотира майдонига келиб унинг қабрини зиёрат қилар эканман беихтиёр мана бу мисралар тилимга келди:

Ўзим билмай қолдим юриб

келдимми,

Беихтиёр ҳаёл суриб

келдимми,

Пойингизга мен улгириб

келдимми,

Ассалом қаҳрамон

Жўрахон бобом.

Бугун сизни юрт

улуғлайди,

Пойингизга пуллар

тўшайди,

Сизни эслаб

юртдошларимиз,

Хақингизга дуо ўқийдилар.

**Абдужаббор АСРОРОВ,**  
**Халқ депутатлари**  
**туман кенгаши депутати.**



Судланувчи Ж.Махмадиёров тумани электр тармоқлари корхонаси тезкор чақирув бригадаси диспетчери бўлиб ишлаб келиб, хизмат вазифасига кўра туман электр таъминоти корхонаси тезкор чақирув бригадасида ишловчи ходимлар билан техника хавфсизлиги ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этишига жавобгар шахс бўла туриб, Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунининг 23-моддасида "ҳар бир иш ўрнида меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши" ҳамда "иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаши"-деб кўрсатилган талабларини, тезкор диспетчерлик бошқару-

## МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИНГ

вининг вазифалари кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларининг 917-бандидаги "бузилишлар ривожланишининг олдини олиш, ходимларнинг жароҳатланишига ва технологик бузулишлар таъсир этмаган ускуналарнинг шикастланишига йўл қўймаслик" - деб кўрсатилган талабларни, "Меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқариш тизими тўғрисида"ги низомида "Хавфсизлик техникаси бўйича қоида ва йўриқномалар талабларига ишчиларнинг риоя қилишини, ишнинг хавфсиз усулларини қўллашини таъминлайди"-деб

кўрсатилган талабни, шунингдек "Электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари"-нинг 45-бандини яъни "ишни хавфсиз бажариш учун ташкिलий тадбирлар амалга оширилиши шарт"лиги ҳамда 46-бандини яъни "иш жараёнида ишни хавфсиз олиб боришга қуйидаги шахслар жавобгардир: наряд, фармойиш берувчи"-деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, 2021 йил 21 октябрь куни соат 21-00 ларда Янгиобод тумани электр тармоқлари корхонаси Тезкор чақирув бригадасига лозим бўлган йўриқномаларни бермасдан, бригадани "Ҳаво-

тоғ" ним станциясидан чиқувчи 10 кВли "Ҳавотоғ" ҳаво тармоғидаги талофатли ўчиш сабабини аниқлаш ва бартараф этиш учун юбориши оқибатида, тезкор чақирув бригадаси аъзоси Ш.Абдуҳалиқов талофатли ўчиш сабабини аниқлаш ва бартараф этиш учун бетон устунга кўтарилган вақтида электр токидан кучланиш остига тушиб, устундан ерга кулаб, электр токи таъсирида олган тан жароҳатлари туфайли ҳодиса жойида вафот этади.

Мазкур ҳолат юзасидан кўзгатишган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди томонидан очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Суд мажлисида судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳлар кўрсатувлари тингланди. Суд мажлисида судланувчининг айби жиноят ишида

тўпланган ва суд мажлисида текширилган далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топди ва унга нисбатан тегишли жазо чораси тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилмаслиги, ушбу талабларни қўпол равишда бузилиши натижасида бир инсоннинг умрига зомин бўлди. Бу ҳолатдан ўзимизга тегишли хулоса чиқарган ҳолда Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этишимиз, ўзгалар ҳаёти ва соғлиғини асло хавф остида қолдиришга ҳаққимиз йўқлигини барчамиз англаб етмоғимиз лозим.

**Ш.ШАМШИЕВ**

**Жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг раиси.**

**"Жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, уму-ман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди"**

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Бугунги кунда коррупция умумий ҳаётнинг деярли ҳар бир мамлакатига дуч келиш мумкин. Коррупция сўнги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида томонидан кенг муҳофаза қилинаётган мавзулардан биридир.

Таъкидлаш лозимки, коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг саналиб, мазкур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жаҳонларига амалга оширилаётган ислохотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Коррупция - бу жамиятни турли йўللار билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдириб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Ушбу зарарли ҳодиса катта ва кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрайди. Ушбу зарарли иллатни бартараф этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳанузгача у бартараф этилмапти.

Коррупция (лот. Corruptio - бузмок) термини одатда мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади.

Кўп ҳолларда бу атама сиёсий элитадаги бюрократик аппаратга қарата ишлатилади. Коррупция кўплаб давлатларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилиги билан ҳуқуққа қарши ҳаракат сифатида таъқиб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланиб, 2017 йил 4 январдан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни қучга киргани коррупцияга барҳам бериш учун барча асосларни яратиб берди. Мазкур қонун

ижроси тўлиқ ва самарали таъминланиши учун 2017 йил 2 февралда давлатимиз раҳбарининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-

асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида коррупцияга қулай шароит яратади.

Коррупцияга қарши курашишнинг устувор ҳуқуқий асослари қатор халқаро ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТ нинг Коррупцияга қарши Конвенцияси;

2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган БМТ нинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси;

1999 йил 27 январдаги Европа Кенгашининг "Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида"ги Конвенцияси;

1999 йил 4 ноябрдаги "Коррупцияга учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида"ги Кон-

тўғрисида" ги Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида Коррупцияга қарши кураш Агентлиги ташкил этилди.

Фармон билан, Агентликка Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш,

-коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурий таъминотни жорий этиш

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиёти қонунларга асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат (compliance control) тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши комплаенс назорати - давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

Жиззах вилояти Янгиобод тумани Халқ Депутатлари Туман Кенгашининг "Коррупцияга қарши кураш ва суд-ҳуқуқ масалалари" доимий комиссияси томонидан ишлаб чиқилган "Коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар дастури"нинг бандларининг бирида:

ҳар қандай тизимда ушбу иллатга қарши курашиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, уларни содир этишга имкон яратувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажаришда ҳар қандай моддий қийматга эга "ҳадя"ларни берилишига ёки уларнинг хизмат вазифаларини бажариш имтиёзлар тақдир қилинишга қарши кураш- лозимлиги таъкидланган

Шунингдек, ушбу иллатга қарши курашишда тизимлардаги ходимлар орасида қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида турли ижтимоий тадбирлар, спорт мусобақалари ва танловлар ўтказиш режалаштирилган.

**И.ХИДИРОВ,**

**«Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураш» доимий комиссияси раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати.**

# КОРРУПЦИЯ-ЖАМИЯТ КУШАНДАСИ

ларнинг порахўрлиги қаттиқ қораланади. Жумладан, Куръони Каримда "Бошқаларнинг мулкни ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкнингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар" дейилган.

Ушбу иллатни тадқиқ қилган бир қатор йирик мутахассислар қуйидаги факторларни коррупцияни юзага келтирувчи омиллар сифатида кўрсатади.

Икки хил маънони англатувчи қонунлар - ушбу вазият ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратади. Шунингдек, айрим мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги "вилка" санкцияларни ҳам коррупцияга қулай шароит яратиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишган. Яъни, санкциянинг аниқ миқдори йўқлиги судьяда уни ўз хоҳишига қараб қўллашга шароит яратиб беради.

Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги - аҳоли томонидан қонунларни билмаслик ёки тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунлардан фойданишга қулай шароит яратади.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги - мамлакатдаги нотинчлик биринчи навбатда аҳоли онгида ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг

венциялари ва бошқалар.

Ўзбекистон юқорида таъкидланган халқаро нормалардан 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси, шунингдек, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул Ҳаракат режасини ратификация қилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мурожаатномаси асосида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалий ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли "Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий координатори вазифа ва ваколатлари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи миллий индекс тузишни ташкиллаштириш юқлатилди.

Шунингдек, мазкур Фармон асосида қуйидаги чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланлиги аҳамиятлидир, хусусан:

-2020-2021 йилларда барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (комплаенс-назорат") ни босқичма-босқич жорий этиш;

-давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи E-Anticor.uz электрон платформасини жорий этиш;



**"Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги Президент Фармони қабул қилинди.**

Фармонга кўра, адлия тизимида ягона бошқарувни жорий қилиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва Интеллектуал мулк агентлиги бевосита Адлия вазирлигига, уларнинг ҳудудий тузилмалари эса ҳудудий адлия органларига кўшилди.

Натижада бошқарув ходимлари сони 110 тага, яъни 2,2 фоизга (биргина марказий аппарат 10 фоизга яъни 356 тадан 320 тага) қисқартирилди.

Вазирлик тизимидаги бир-бирини такрорловчи вазифалар 35 тадан 23 тага (34 фоизга) ва функциялар эса 388 тадан 215 тага (46 фоизга) қисқарди.

Ҳудудлардаги Давлат хизматлари бошқармалари ҳамда Интеллектуал мулк марказлари ҳудудий адлия бошқармалари таркибига ўтказилди.

Тумандаги давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ органлари ва юридик хизмат кўрсатиш марказлари туман адлия бўлимлари билан бирлаштирилиб, битта бинода фаолият юритувчи ягона Адлия бўлимларига айлантирилади, унинг таркибига интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш бўйича алоҳида масуллаб фаолият юритади.

Фармон билан Адлия вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастур доирасида бир-бирига боғлиқ бўлган давлат хизматларини, жумладан кўчмас мулк ҳамда манзилга рўйхатга қўйиш, ногиронлик ва турли касалликларга оид нафақалар тайинлашнинг композит тарзда, яъни бир вақтда кўрсатиш тизими жорий этилади.

Шунингдек, 1990-2016 йиллар оралигида қабул қилинган Ҳукумат қарорлари хатловдан ўтказилиб, фуқароларга ва тадбиркорларга енгиллик яратиш нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқилади.

Фармонга кўра, "е-shartnoma" тизими ягона электрон портали яратилади. Тизим орқали тадбиркорлар онлайн равишда турли шартнома намуналарини бепул олиши мумкин

## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

бўлади.

Халқ депутатлари кенгашларининг ҳудудлардаги ислохотлар устидан назоратини кучайтириш мақсадида депутатлик назоратининг янги шакли - "кенгаш сўрови" жорий этилади.

2023 йилдан муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базада жамлаш тартиби жорий қилинади.

**"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун (ЎРҚ-759-сон, 14.03.2022 й.) Президент томонидан имзоланди**

Қонун билан биометрик паспорт ўрнига ID-карталари жорий этилаётганлиги сабабли айрим Кодекслар ва қонунларга ID-карта тушунчаси киритилди.

Шунингдек, ID-карталарни, хорижга чиқиш биометрик паспортини йўқотганлик, уларни яроқсиз ҳолга келтирганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Оила кодексига болаларнинг туғилишини қайд этиш ота-онасининг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидан қатъи назар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 1 ой ичида амалга оширилиши белгиланди.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида белги қўйилишига оид норма чиқариб ташланди.

Ер давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда фуқароларга унинг ўрнига берилаётган уй-жой аввалги уй-жойидан қимматроқ бўлса, фарқ қилган қиймат фуқаролар томонидан қайтариб берилмайди.

Илгари 5 йилда қайтарилиши лозим эди.

Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган шахсга, шунингдек унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга хорижий давлатда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилганда ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилганда хорижга чиқиш учун биометрик паспортини берганлик учун давлат божи ундирилмайди.

ID-карта берганлик учун БХМнинг 89 фоизи миқдорига бож ундирилади, хорижга чиқиш учун биометрик паспортни берганлик учун эса БХМнинг 1 баравари

миқдорига ундирилади (илгари БХМнинг 1,2 баравари эди).

**"Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони (ПФ-91-сон, 24.03.2022 й.) қабул қилинди**

Фармонга кўра, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очик электрон танлов натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқлаш тартиби бекор қилинди.

Илгари ижара шартномаси тузилмасдан аввал ҳоким қарори қабул қилиниши керак эди.

Шунингдек, деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини очик электрон танлов орқали ижарага беришда 2022 йил 1 мартдан кейин хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларига алоҳида устуворлик берилиши белгиланди.

**"Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори (ПҚ-167-сон, 15.03.2022 й.) қабул қилинди**

Қарорга мувофиқ, "Бир нуроний ўн ёшга масъул" тамойилини қарор топтиришдаги ташаббускор нуронийлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади.

Ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги учун меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.

2022 йил 1 апрелдан: ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир марта санаторийларда бепул соғломлаштирилади;

шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга рецептга асосан 3 ойлик эҳтиёж асосида дори-лар, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилади ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади;

оғир ташхисли касал ҳамда ногирон кексаларга шифокорлар рецептларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори-сигналарининг 50 фоизигача сум-

маси компенсация қилинади; кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун абонемент харажатлари қопланади;

давлат театрлари ва музейларига кексалар учун чипта нархлари тўлиқ қоплаб берилади.

2022 йил 1 сентябргача кексаларга оид маълумот ва янгиликлар уларнинг мобиль телефон рақамларига SMS орқали маълум қилиб борилади.

Мамлакатимизда фаол қариш индекси жорий этилади.

**"2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори (ПҚ-172-сон, 18.03.2022 й.) қабул қилинди**

Қарорга кўра, 2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган қишлоқ ва маҳаллалар сони бўйича мақсадли параметрлар тасдиқланди.

Шунга кўра, белгиланган йилларда республикадаги жами 2 043 қишлоқ ва маҳаллаларда (жумладан, 2022 йилда 413 тасида) қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Дастурлар доирасида белгиланган йилларда жами 4 057 та ижтимоий соҳа объектларини, жумладан, 2022 йилда:

143 та боғча;  
265 та мактаб;  
137 та соғлиқни сақлаш муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Шунингдек: 27 722,5 км ички йўллар (2022 йилда - 5 113,2 км), 18 574,8 км ичимлик сув тизимлари (2022 йилда - 3 881,7 км тармок, 432 та иншоот) яхшиланади;

жами 5 962 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, бозорлар (жумладан, 2022 йилда 253 та маҳалла биноси ва гузар, 894 та бозор) қурилади ҳамда таъмирланади;

5 284,2 км оптик толали алоқа тармоқлари (2022 йилда - 1 327,1 км) қурилади;

78 та янги автобус йўналишлари (2022 йилда 16 та) ташкил этилади.

Ички йўлларни таъмирлаш учун 2 триллион сўм, ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 1 триллион сўм, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларни қуриш (таъмирлаш) ва ободонлаштиришга 1,4 триллион сўм маблағ ажратилади.

Қарорга кўра, 2023 йилдан: қишлоқ ва маҳаллалардаги мавжуд ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларининг ҳақиқий ҳолати тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланиб борилади;

баҳолаш натижаларига кўра энг паст кўрсаткич қайд этган ва ўтган давр мобайнида Дастурларга киритилмаган қишлоқ ва маҳаллалар Дастурларга биринчи навбатда киритилади.

**"Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори (ПҚ-173-сон, 18.03.2022 й.) қабул қилинди**

Қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 августдан босқичма-босқич Юридик хизмат кўрсатиш марказлари (Марказлар) томонидан туман даражасидаги қуйидаги идораларга юридик хизмат кўрсатилади:

маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими;  
қишлоқ хўжалиги бўлими;  
туризм ва маданий мерос бўлими;  
спортни ривожлантириш бўлими;

оила ва хотин-қизлар бўлими;  
давлат солиқ инспекцияси;  
аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази;  
давлат умумий ўрта таълим мактаблари;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари;  
давлат кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар.

2022 йил 1 майгача "Е-huquqshunos" электрон тизимини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва маслаҳатлар бериб бориш мақсадида "call-марказ" ташкил қилинади.

2022 йил 1 декабргача вилоят даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда ҳокимликларга Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатилишини йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

**Ж.АБДУХОЛИҚОВ,  
Янгиобод туман адлия бўлими бошлиғи в.б.**

## СОЯ ВА УНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

витаминов бор. Уруғидан ёғ, оксил ва лицитин олинади. Ўсув даври 75-200 кун. Соя иссиқсевар ва намсевар, ёругсевар қисқа кун ўсимлиги. 21-23° да яхши ривожланади. Уруғи 8-10° да униб чиқади. Соя ўзидан чангланади. Гуллаш даври 15-55 кун давом этади. Дони, пишиб етилмаган (думбул) дуккаги овқатга ишлатилади. Соя унидан сут, творог, қандолат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади. Сомони, тупони, кўк пояси, силоси озуқа сифатида чорва молларига берилади. Соя донидан мой, маргарин, пишлок, сут, ун, қандолат маҳсулоти, консервалар чиқарилади. Мойи лак-бўёқ саноатида совун ишлаб чиқаришда қўлланилади, ер юзида ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойининг 40% ини соя мойи ташкил этади.

Соянинг бундай кўп соҳаларда ишлатилиши доннинг сифати-га боғлиқ, таркибида 30-52% оксил, 17-27% мой бўлади ҳамда 20% карбон сувлар мавжуд. Соянинг оксигили юқори сифатли, сувда тўла эрийди, яхши ҳазм бўлади. Ҳозирги вақтда соя ер

юзида кенг тарқалган экин ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда бу экинни етиштиришга анча жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг яққол далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 14-мартдаги ПҚ-2832-сон "2017-2021-йилларда республикада соя экишни ташкиллаштириш ва соя дуккаклари етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва унинг ижросини ҳаётга тадбиқ этилишини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг селекционер олимлари томонидан республика ҳудудига мослаштирилган серхосил, шўрланишга чидамли бўлган эртапишар бўлган навлари яратилиб соя плантацияларида экиб ўстирилмоқда. Булар жумласига Генетик-1, Дўстлик, Нафис, Орзу, Олтин тож, Ойжамол, Ўзбек-2, Ўзбек-6, Парвоз, Фаворит навлари 1981-1988-йилларда Ўзбекистон Шолчилик Институтида яратилган ва барча вилоятлар учун мослаштирилиб адаптация қилинган.

Хулосалар шуни кўрсатмоқ-

даки соя шунчалик тўйимлики, дунё олимлари айнан соя орқали глобал очлик муаммосини ҳал қилишга умид қилишмоқда. Соя таркибида гўшт маҳсулотларидан 2-3, тухумдан 12 баробар кўп оксил борлиги ҳамда витаминларга, минералларга (кальций, фосфор, темир, магний, калий, рух), муҳим Омега-3 ва Омега-6 ёғ кислоталари ва фитонутриетларга бойлиги аниқланган. Соя уруғида ўртача 37-42% протоин, 19-22% ёғ ва 30% гача углевод бор. Тахлиллар орқали соя ўсимлигидан олинган маҳсулотлар истеъмоли инсон ҳаёт фаолияти учун жуда фойдалилигини кўриш мумкин. Буни дунё олимлари ҳам тан олмоқда. Жумладан Исроил Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги тадқиқотларни кўриб чиқиш шуни кўрсатмоқдаки, соя истеъмоли хавфсиз, тавсия этилган ва ҳатто куйидагиларнинг умумий хавотирларини рад этади:

Соя истеъмоли эрта балоғатга олиб келмайди ва эркаклар жинсий тизимига салбий таъсир кўрсатмайди;

Аёлларда кўкрак беги саратони ривожланиш хавфини оширмайди, аксинча, унинг олдини олишга ёрдам беради;

Соя маҳсулотли таомларни истеъмол қилиш, кўкрак, простате, бачадон ва қўллаб саратон касалликлари хавфини камайти-

ради. Ҳозирги вақтда соя изофлавонларининг куйидаги касалликларни даволашда самарадорлиги бўйича қўшимча тадқиқотлар олиб боришмоқда:

Алцгеймер касаллиги;  
юррак -қон томир касалликлари (инсулт ёки юрак хуружи) болаларда колики;  
Крон касаллиги;  
эндометриал саратон;  
ошқозон саратони;  
гепатит С;  
пременруал синдром (ПМС);  
простата безининг гиперпазияси;

простата саратони;  
роматоид артрит;  
қалқонсимон без саратони;  
буйрак касаллиги.

Балансланган овқатланиш қоидаларига кўра, соя гўшт ўрни-ни боса олмайди, лекин у соғлом овқатлар пантионига киришга ҳақли. Шундай экан Ўзбекистон шароитида соя экин майдонларини кўпайтириш, соя маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, овқатланиш рационига соя маҳсулотларини киритиш мақсадга айна мувофиқ бўлади. Натижада халқимизнинг оксилга истеъмолига бўлган талаби бирмунча яхшироқ қондирилади.

**А.АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали талабаси.**

Соя ўсимлиги озиқ-овқатда, техникада, консерва тайёрлашда, сут, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳамда ем-хашак сифатида кенг миқёсда ишлатилади. Соя дуккакли дон ва мойли экин бўлиб, ватани-Хитой. 10 та тури Африка ва Жануби-Шарқий Осиёнинг нам тропик ва субтропикларида, 1 та ёввойи тури Узок Шарқда учрайди. Жаҳон бўйича соя экин майдони 73.6 млн (га), ўртача ҳосилдорлиги 22.1с/га ҳисобига ёта. Ўзбекистонда 20-асрнинг 60-йилларидан бошлаб кенг тарқала бошлади. Оддий соя турининг илдизи яхши ривожланган, ўқ илдиз, сершоҳ, тупроққа 2 м чуқурликкача кириб боради, асосий қисми ҳайдалма қатламда жойлашади (илдизидида туганак бактериялар ривожланади). Пояси дағал, цилиндрсимон, тик ўсади, аммо ётиб қоладиган навлари ҳам бор. Бўйи 15 см дан 2 м гача, шохланади, ён шохлари 2-8 та бўлади. Барги сертук, бандли, бандининг узунлиги 8-20 см, барг шапалогининг узунлиги 13-15 см, Гули майда, оқ ёки пушти, шингил гултўпламга ййилган, барг қўлтиғида жойлашади. Ме-васи дуккак, сариқ, қора, кўнғир, сертук. Ҳар бир дуккагида 2-6 та дон бор, 1000 та дони вазни 40-425 г. Таркибида 24-45% оксил, 13-37% ёғ, 20-32% углеводлар, 1-2% лицитин, Д, В, Й ва бошқа



# ЯНГИОБОДА «КЎПКУРАШ» ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК МУСОБАҚАСИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ

Янгиобод туманида Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" - ги Қонуни ҳамда Давлат раҳбарининг ёшларга доир Фармон-Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида "Миллий армиямиз ёшлар нигоҳида" шиори остида чегара олди ҳудудларда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, миллий анана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом, баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган "КЎПКУРАШ" ҳарбий ватанпарварлик мусобақасининг туман бўсқичи ўтказилди.

Унда мусобақанинг секорлар босқичида ғолиб бўлган Янгиобод ШФЙнинг "Шунқорлар", Баландчақир МФЙнинг "Амир Темур", Ҳавотоғ МФЙнинг "Қалқон" ҳамда Сармич МФЙнинг "Ватанпарвар" жамоалари ўзаро баҳс олиб бордилар.

Тадбирни туман ҳокими Иброҳим Қаршибоев очиб бериб, ёшларни мард, жасур ва ватан тақдирига даҳлдор этиб тарбиялаш ҳамда уларнинг билим ва иқтидорини юзага чиқаришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти тўғрисида айтиб ўтди ва иштирокчиларга омад тилади.

Мусобақалар аввалида ҳар-



бийлар томонидан кўргазмалар чиқишлар ҳамда тадбир доирасида қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар кўргазмалари намойиш этилди.

Мусобақада жамоалар буюк саркардаларимиз тарихидан савол-жавоблар, "Калашников" автоматини қисмларга ажратиш ва йиғиш, пневматик қуролдан ўқотиш, "Street Workout" усуллари бажариш ҳамда эстафета югуриш каби шартлар асосида беллашдилар.

Мусобақани бошқариб борган ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосаларига кўра, 3-ўринни Янгиобод ШФЙ ёшларининг "Шунқорлар" жамоаси, 2-ўринни Сармич МФЙ ёшларининг "Ватанпарвар" жамоаси эгаллаган

бўлса, фахрли 1-ўринни эса Баландчақир МФЙ ёшларининг "Амир Темур" жамоаси қўлга киритиб, мусобақа ғолибига айланди ва вилоят босқичига йўлланиш қўлга киритди.

Тадбир доирасида туман маданият маркази ижодкорлари ва таниқли эстрада хонандалари томонидан куй-қўшиқлар ижро этилиб, барча ёшларга шижоат, фахр ифтихор ва кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир сўнигида ғолиб ва соvrиндорлар ташкилотчилар томонидан махсус диплом, медаллар шодаси ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Янгиобод тумани ҳоким-лиги Ахборот хизмати**



## СИЗНИ ҚЎМСАР...

(Ҳамюртимиз, меҳнат фахрийси  
Худоёр ота Латипов хотирасига)

Яна баҳор келди ўлкамга,  
Тонг ҳам гўзал, сулув шул дамда,  
Хотирот бор ёруғ оламда,  
Субҳидамда кўришмоқ хоҳлар,  
Сизни қўмсаб фусункор боғлар.

Худоёр деб боққан эди бахт,  
Қалб тўрида яшайсиз ҳар вақт,  
Умрингизни кўрки-равоқда  
Сизни қўмсаб фусункор боғлар.

Мирзачўлни макон этдингиз,  
Ризқ-рўз териб бўстон этдингиз,  
Она юртга дoston этдингиз,  
Ҳар баҳорда бедор ардоқлар,  
Сизни қўмсаб фусункор боғлар.

Заррин нурлар сўнмас умрбод,  
Яхшилардан қолар яхши от,  
Дўсту ёрлар мангу этиб ёд,  
Номингизни айтиб сўроқлар  
Сизни қўмсаб фусункор боғлар.

Аллоҳ сизга берган эди тахт,

**Бекназар ТОШБОЕВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси.**

## КЕЛДИ КУТГАНИ...

Ўша уни тинмади ёмғир  
Осмон тиёлмади кўзёшин  
Дайди шамол эсанча ғир-ғир  
Синайверди йигит бардошин

Нима қилсин у бечора ҳам  
Унда эмас эди ахир айб  
Сукут сақлаб, бошин эгиб ҳам  
Йигит уйга қайтар сарғайиб

Йигит қарар хиёбон бўм-бўш  
У кутгани келмасди сира  
Олмаганди ҳатто ёмғирпўш  
Пана жой ҳам кўринар хира

Сигнал чалди кимдир ортидан  
Ўғирилди йигит шу замон  
Таниб қолди яшил бортидан  
У кутгани музқаймоқ фургон

Билар эди ҳаво авзойин  
Лек ақлига солмади қулоқ  
Ҳиссиётни атаблар хойин  
Ўҳл, шалаббо турарди мутлоқ

Ва ниҳоят келди кутгани...

**Бекзодбек СУВОНҚУЛОВ**

Жиззах вилояти Янгиобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 3- умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2001 йилда Остонақулов Жамшид Жоникулович номига берилган № О'Р - А 0976958 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Жиззах вилояти Янгиобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 12- умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2001 йилда Хужамуротова Наргиза Абдувалиевна номига берилган № 0976804 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС) - ретровирус гуруҳига мансуб вирус кўзғатадиган касаллик икки даврга бўлинади: ОИТВ инфекцияси ва бевосита ОИТС (СПИД) даври. ОИТВ инфекцияси даври одам организмда вирус бор, лекин касаллик аломатлари ҳали намоён бўлмаган давр. Вирус деярли бир вақтда профессор Люк Монтане ҳамда профессор Галло бошчилигидаги олимлар томонидан кашф этилган (1983 йил). Бу вирус одамнинг иммунитет тизимига танлаб таъсир кўрсатади, айниқса, CD4+ иммун ҳужайраларига қирғин келтиради. Вирус одам организмга тушган, 2-3 кундан сўнг, 25-30 % ҳолларда бирламчи инфекция даврига хос аломатлар кузатилиши мумкин. Бу "ўткир сероконверсия синдроми" деб аталади, бунда ҳарорат кўтарилади, тунда терлаш, бўғимлар ва бош оғриғи, лохаслик, қайт қилиш, ич кетиши, баданда, айниқса, унинг юқори қисмида тошмалар пайдо бўлиши мумкин. Бу аломатлар одам организмга тушган вирус таъсирига иммунитет тизими маълум даражада жавоб қайтариш реакцияси билан боғлиқ, лекин бу даврда антителоларни аниқлаш натижа бермайди, чунки иммунитет тизимининг жавоби ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлади. Касалликнинг бу даври 8-10 йилгача, баъзан ундан ҳам узоқ давом этиши мумкин. Ҳозирги кунда амалиётда ОИТВ инфекцияси ташҳисини қўйиш қонда касаллик вирусига қарши пайдо бўлган антителоларни аниқлаш - иммун фермент таҳлили (ИФТ) реакциясига асосланган. Дастлабки антителолар вирус организмга тушган, 3 ҳафтадан сўнг шакллана бошласа ҳам, қўлланидиган диагностикалар уларни илғай олмайди. Шу боис, одамга ушбу инфекция илашгани тўғрисида вирус организмга тушганидан сўнг 90 кун ўтказиб олинган текшириш нати-

## ОИТС-КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ



бўлган ва касаллик кўзгата олмайдиган микроблар ҳам фаоллашиб, турли хасталиклари келтириб чиқариши мумкин. Уларнинг намоён бўлиши организмда юзага келган ОИТС ҳолати билан боғлиқ бўлгани учун, ушбу гуруҳга кирувчи касалликлар жамланган ҳолда ОИТС билан боғлиқ (ассотсирланган) инфекциялар деб аталади. Булар бактериял инфекциялар, замбуруғли касалликлар, вируслар кўзғатадиган касалликлар, Капоши саркомаси ва ҳоказо. Касаллик вируси инфекция юққан одамнинг қонида, эркаклар шахватида, аёлларнинг жинсий аъзолари чиқиндиларида ва кўкрак сutiда бўлади. Шунинг учун ОИТВ, асосан, уч хил йўл билан юқади: қон орқали, жинсий алоқа воситасида ва инфекция юққан онадан ҳомиласига вертикал йўл билан ўтади. ОИТС билан оғриганларнинг кўпчилигини наркоманлар (ғиёхвандлар), фохишалар, гомо- ва бисексуаллар ташкил этади. ОИТС организмга

жинсий алоқа, парентерал муолажалар (ностерил игна, шприц ва бошқа тиббий анжомлар ишлатилганда), инфитсирланган қон ва унинг ўрнини босувчи дори-ларни қўллаш, аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказиш (трансплантация) вақтида, шунингдек, вирусни юктириб олган онадан ҳомиллага ҳомиладорлик даврида, туғиш жараёнида ва гўдак эми-зиланидан бўлса, кўкрак сuti билан юқиб қолиши мумкин.

Ўзбекистонда ОИТВ/ОИТС билан боғлиқ масалалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТВ/ОИТС хизмати томонидан амалга оширилади. Республика ОИТВ/ОИТС маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ОИТВ/ОИТС маркази, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ОИТВ/ОИТС марказлари ўз ҳудудларида ушбу соҳа фаолияти билан боғлиқ барча профилактик, эпидемиологик, лаборатор текшируви, даволаш тадбирларини олиб боради. Ҳар бир марказ қошида ўз ихтиёри билан лаборатор текшируви учун келганларни сир сақлаган ҳолда текширадиган аноним хоналар мавжуд. Мақсадли гуруҳлар ғиёхвандлар ва сексиолог ходимлари билан вирус юқиб қолишининг олдини олиш мақсадида хуфёна иш олиб борадиган Ишонч пунктлари (ИП) ҳам ишлайди.

Профилактикаси. Ушбу инфекция кенг тарқалган касалликлардан бири бўлгани учун муҳофаза тадбирлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа вакиллари иштирокида олиб борилиши лозим. Ҳар бир йигит-қиз бу инфекциянинг тарқалиш йўллари, унинг олдини оладиган тадбирлардан хабардор бўлиши ва ўзини ундан эҳтиёт қилиши керак.

**М.ИБРАГИМОВ,  
Янгиобод туман Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими эпидемиолог варачи.**

**YANGIOBOD  
OVOZI**  
YANGIOBOD TUMAN  
HOKIMLIGI GAZETASI

**MUASSIS:  
YANGIOBOD TUMAN  
HOKIMLIGI**

**Бош муҳаррир:  
А.МУҲАММАДИЕВ**

Газета Жиззах вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 06-041 рақами билан рўйхатдан ўтган.

**МАНЗИЛИМИЗ:  
Янгиобод тумани, Янгиобод шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси 1-уй.**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Иброҳим ҚАРШИБОЕВ  
Дилшод МАМАДАЗИМОВ  
Азизбек НИШОНОВ  
Зулайхо НАЗАРКУЛОВА  
Бекназар ТОШБОЕВ  
Сабоҳат АБДУРАҲМОНОВА  
Валижон ҲАСАНОВ  
Олимжон БЕГМАТОВ

**Телефон:**  
+998 72 542-12-72

**НАШР УЧУН МАСЪУЛ  
А. МУҲАММАДИЕВ**

Газета таҳририят компьютер марказида териблиб, саҳифаланди. Қоғоз бичими А-3. Газета «RASTR PLYUS PRINT» MCHJ да офсет усулида 750 нусхада чоп этилди. Корхона манзили: Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 4-уй. Босишга рухсат этилди 17.05.2022 йил БУЮРТМА №